



МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Чориев Исроил Хамзаевич,

PhD, катта ўқитувчи, Ўқув-услубий бошқарма бошлиги

Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: uslubiy@tfi.uz

IMPROVEMENT OF ACCOUNTING FOR FINANCIAL INVESTMENT

Choriev Israel Khamzaevich,

PhD, lecturer teacher, Head of Educational and Methodological Department

Tashkent Institute of Finance, Tashkent, Uzbekistan

E-mail: uslubiy@tfi.uz

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар молиявий инвестициялар ҳисобининг амалдаги ҳолати тадқиқ қилиниб, мавжуд услубий муаммолар ва уларни бартараф этиши йўллари кўрсатиб берилган. Жумладан, қарз кўринишидаги қимматли қозозларга қилинган инвестицияларни харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқларни ҳисобдан чиқарии тартиби таомиллаштириши бўйича ҳамда қимматли қозозларни харид ва номинал қиймати ўртасидаги тафовутларни акс эттириши бўйича амалдаги счётларга таклифлар берилган. Ушибу таклифлар бухгалтерия ҳисобининг даромадалар ва харажатлар мослиги ҳамда ҳаққонийлик тамоилларига тўлиқ амал қилишини таъминлаш, ахборот фойдаланувчилар томонидан корхона активлари ликвидигини тўғри баҳо баҳолашда ишончли ва аниқ ахборотлар шакллантириши, счётларнинг номланишини ўзгартириши асосида уларнинг ахборот ийгувчанлик кўлами кенгайши ҳамда қимматли қозозлар бўйича харид ва номинал қийматлар ўртасидаги тафовутларни тўғри акс

эттириши таъминланиши илмий асосланган.

Abstract. In this article considers the current state of accounting for financial investments of economic entities, shows the existing methodological problems and ways to eliminate them. In particular, proposals were made to improve the procedure for writing off the difference between the purchase and the nominal value of investments in debt securities and to reflect the difference between the purchase and the nominal value of securities in current accounts. These proposals include ensuring full compliance with the principles of reliability and reliability of accounting, creating reliable and reliable information for accurate assessment by users of information on the liquidity of the company's assets, expanding the volume of information collection based on changing the name of accounts, as well as reducing the discrepancies between the purchase of securities and their nominal value, ensuring accurate reflection, is scientifically justified.

Калим сўзлар: инвестиция, молиявий инвестиция, инсон капиталига



инвестиция, қимматли қоғозлар, харид қиймати, номинал қиймат.

Keywords: investments, financial investments, investments in human capital, securities, purchase price, par value

Кириш. Жаҳонда кечаётган глобал геосиёсий инқирозлар дунё мамлакатларида ялпи ички маҳсулот микдорини камайиши билан бирга иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ҳам кескин даражада пасайишига сабаб бўлди. Хусусан, «2020 йилда дунё бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 859 млрд. долларни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 42% га камайди ва сўнгги 30 йилликдаги энг юқори пасайиш кузатилди»[1]. Ушбу ҳолат глобал иқтисодиётда рўй берадиган инқирозлар оқибатларини бартараф этиш мақсадида инвестицияларга бўлган талабни кескин ошириш ҳамда инвестициялардан янада оқилона фойдаланишни тақазо этмоқда. Шунингдек, дунё иқтисодиёти ривожланиш тенденциялари таҳлили инсон капиталини ривожлантириш ва унга инвестицияларни кенг жалб қилиш долзарб масалалардан бири сифатида намоён бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Шу боис, ҳозирда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг халқаро амалиётида инвестициялар, хусусан, инсон капиталига қилинган инвестицияларни бухгалтерия ҳисобининг муҳим обьекти сифатида тан олинишига ва молиявий ҳисботларда акс эттирилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инвестициялар ҳажмини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам хукукий ҳам амалий жиҳатдан янада сезиларли даражада оширилди. Айниқса, олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати натижасида сўнгги йилларда республикамизда инвестициялар оқими

динамикаси бўйича ижобий ўсиш кузатилмоқда.

Инвестициялар таҳлили натижаларига кўра 2016-2019 йилларда инвестицияларни ўзлаштириш бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилган. Бироқ, 2020 йилга келиб пандемия давридаги инқирозлар туфайли ушбу кўрсаткич анча пасайган. Шунга қарамай, «2020 йилда мамлакатимиз ЯИМ 580203,2 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,6 % га ўсди [2].

Юқоридагилар хўжалик юритувчи субъектларда инвестиция жараёнлари тўғрисида аниқ, ишончли ва тезкор ахборотларни шакллантириш ҳамда ўз вақтида ахборот фойдаланувчиларга етказиш заруратини келтириб чиқаради.

Материал ва метод. Инвестициялар бўйича хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришнинг услубий жиҳатлари 12-сон БҲМС ва 21-сон БҲМСларида ҳам тўлиқ очиб берилмаган ва айrim мунозарали ҳолатлар мавжуд. Жумладан, 21-сон БҲМСнинг 59-бандида корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва бошқа қарз қимматли қоғозларнинг харид ва номинал қиймати ўртасида фарқ (ижобий ва салбий) уларни сўндириш муддати давомида амортизация шаклида молиявий фаолият бўйича харажатларга ҳисобдан чиқариб борилиши кўзда тутилган. Яъни, облигациянинг харид қиймати номинал қийматидан юқори бўлганда:

Дебет 9690; Кредит 0610
Аксинча, облигациянинг харид қиймати номинал қийматидан паст бўлганда:

Дебет 0610; Кредит 9590.
Ушбу бухгалтерия ёзувлари натижасида облигациялар ва қарз кўринишидаги бошқа қимматли қоғозлар сўндирилишининг охирги даврида уларнинг номинал қийматига тенглаштирилади ва бу айнан



БХМСларда белгиланган талабдир. Аммо, мунозарага сабаб бўлаётган яна бир жиҳат мавжуд. 21-сон БХМСда облигацияларни сотиб олувчи корхоналар, яъни инвестор облигацияни дисконт билан сотиб олганда дисконт суммасини 7210-“Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узок муддатли кечикирилган даромадлар” ва 6210-“Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечикирилган даромадлар” счёtlарида акс эттириб, қоплаш муддати тугагунча 9530-“Фоиз кўринишидаги даромадлар счёti”га ўтказиб бориши белгиланган.

Бу борада республикамиз олимларинг ҳам фикр-мулоҳазалари бирбиридан кескин фарқ қилмайди. Жумладан, профессор И.Н.Исманов облигацияларни чегирмалар билан харид қилганда номинал ва харид қиймати ўртасида ижобий фарқни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда облигациянинг муомалада бўлиш вақтига тенг тақсимлаш ёки самарали фоиз усулини қўллаш тартибини келтириб ўтган ҳолда, ҳар иккала усулда ҳам ижобий фарқ суммасини фоиз кўринишидаги даромадларга олиб боришни таклиф этган [3].

Соҳа олимлари М.Б.Калонов, Х.А.Ортиқов, Ш.Т.Эргашевлар облигациялар бўйича дисконт ва устамаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича 21-сон БХМСда келтирилган услубиётни кенгроқ очиб берган ҳолда облигациялар мукофот (устама) билан харид қилинганда юзага келган фарқ суммасини уларнинг қоплаш муддати мобайнида 0990-“Бошқа узок муддатли кечикирилган харажатлар” ва 3290-“Бошқа кечикирилган харажатлар” счёtlари ёрдамида 9610-“Фоиз кўринишидаги харажатлар” счётига ҳисобдан чиқариш тартибини кўрсатиб берганлар [4].

Яна бир гурух олимлар ушбу

масалага қўйидагича ёндашганлар: «Агар корхона томонидан сотиб олинган облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қимматбаҳо қоғозларнинг харид қилиш қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири бўйича даромадни ҳисоблашда харид ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ суммасига етказиб қўйилади. Бунда 4830-“Олинадиган фоизлар” ёки 4840-“Олинадиган дивидендлар” (қимматбаҳо қоғозлар бўйича олинадиган даромад суммасига) счёtlарининг дебети ва 0610-“Қимматбаҳо қоғозлар” (харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммасига) счёtinинг дебети ҳамда 9520-“Дивидендлар кўринишидаги даромад” (4830 – “Олинадиган фоизлар” ёки 4840-Олинадаган дивидендлар” счёtlаридағи умумий суммага) счёtlарининг кредити бўйича ёзувлар қилинади» [5]. Ушбу тартибни услубий жиҳатдан тўғри деб бўлмайди. Чунки, 4830 ва 4840 счёtlар дебиторлик қарзларини ифодалайди ва улар пул маблағларининг киримини талаб этади. Аммо, облигацияларни харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ корхонага кўшимча пул маблағлари кирими ёки чиқимиға сабаб бўлмайди.

Тадқиқотни олиб бориш ва натижаларни асослаш мақсадида мантиқий фикрлаш, монографик кузатув, таққослаш ва гурухлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Натижалар. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, соҳага оид маҳсус адабиётлар таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, қарз кўринишидаги қимматли қоғозлар ҳисобида бир қатор услубий камчиликлар мавжуд. Уларни қўйидагича изоҳлаш мумкин.

1. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида қарз қимматли қоғозларининг харид қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги ижобий ва салбий



фарқ қайси турдаги даромад эканлиги ва бухгалтерия хисоби счёtlарида акс эттирилиши түлиқ очиб берилмаган.

2. Облигациялар дисконт (чегирма) ва мукофот (устама) билан харид қилинганда юзага келадиган даромад ва харажат фоиз күринишидаги даромадлар ва харажатлар таркибиға киритилиши мунозарали хисобланади.

3. 21-сон БХМСда эмитент учун облигациялар сотиш жараёнида юзага келадиган дисконт (чегирма) ва мукофот (устама)ларни алоҳида акс эттирувчи счёtlар белгиланган бўлиб, инвестор учун фақатгина дисконт (чегирма)ни хисобга оловчи счёт келтирилган, яъни бир хил операцияни унинг иштирокчиларида бир хил мазмунда акс эттириш имконияти таъминланмаган.

Бизнинг фикримизча, облигацияларни номинал қийматидан паст баҳода сотиб олишда юзага келадиган ижобий фарқ фоиз күринишидаги даромад хисобланмаслиги керак, балки у молиявий фаолиятнинг бошқа даромадига ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, фоиз күринишидаги даромад облигацияларни сақлаб туриш натижасида вужудга келди ва ушбу турдаги даромадлар аввал тан олиниб (дебет 4830-“Олинадиган фоизлар”, кредит 9530-“Фоизлар күринишидаги даромадлар”) сўнгра пул маблағлари тушумига (дебет 5110-“Хисоби-китоб счёti”, кредит 4830-“Олинадиган фоизлар”) эришилади. Юқоридаги ҳолатда эса юзага келаётган дисконт күринишидаги даромад харид пайтининг ўзида тан олинади ва у кейинчалик облигациялардан келадиган фоиз күринишидаги даромадларга таъсир кўрсатмайди, яъни корхонаг пул оқимларини кўпайишига сабаб бўлмайди. Фикримизнинг исботи сифатида “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг

таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”нинг 3.6.-бандида “молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан салбий дисконт”[6] келтириб ўтилган. Бу эса салбий дисконт фоиз күринишидаги харажат эмас, балки молиявий фаолиятнинг бошқа харажати эканлигидан далолат бермоқда. Худди шундай ижобий дисконт ҳам молиявий фаолиятнинг бошқа даромадига ўтказилиши ҳам мантиқий ҳам ҳуқуқий жиҳатдан ўринли деб хисоблаймиз.

21-сон БХМСда келтирилган облигацияларни харид қилиш вақтида юзага келадиган харид ва номинал қийматлари ўртасидаги тафовутларни хисобга олишга мўлжалланган 0960, 3220, 6210 ва 7210 каби счёtlар фақатгина облигацияларни номинал қийматидан юқори ёки паст баҳода харид қилинганда ишлатилади. Бироқ, мазкур тафовутлар облигацияларнинг номинал ва харид қийматлари ўртасидаги фарқ эвазига эмас, балки уларни харид қилишда қилинган қўшимча харажатлар (брокерларга тўловлар, банк хизмати ва бошқа харажатлар) ёки облигацияларга алмаштирилаётган активларнинг жорий қиймати облигацияларнинг номинал қийматидан юқори ёки паст бўлган ҳолларда ҳам вужудга келиши мумкин.

Бухгалтерия хисоби миллий стандартлари ва адабиётларда келтириб ўтилган қарз қимматли қоғозларининг харид ва номинал қийматлари ўртасида тафовутларни уларнинг қопланиш муддатига қадар тўғридан-тўғри молиявий фаолиятнинг бошқа даромад ва харажатлари таркибиға ўтказилиши бўйича мавжуд услубий тартиб бухгалтерия балансининг ликвидилигини баҳолашда салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, қарз қимматли қоғозлари сўндирилганда номинал қиймати бўйича



қайтарилади. Балансда эса харид қиймати бўйича акс эттириладиган бўлса, икки хил ҳолат юзага келади.

1-ҳолат. Харид қиймат номиналдан юқори бўлганда қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бухгалтерия балансида номинал қийматига етгунча ҳаққоний қийматидан ошириб кўрсатилади.

2-ҳолат. Харид қиймат номиналдан паст бўлганда қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бухгалтерия балансида номинал қийматга етгунча ҳаққоний қийматидан пасайтириб кўрсатилади.

Қимматли қоғозлар бирмунча юқори ликвидлиги активлар ҳисобланганлиги боис, юқоридаги ҳолатларда мазкур активларни қийматини ошириб ёки камайтириб кўрсатилиши ахборот фойдаланувчиларда чалкашликларни келтириб чиқаради. Мазкур ҳолатларни олдини олиш ва бухгалтерия балансида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунига мос равишда акс эттириш учун қўйидаги услубиётни таклиф этамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Қарз кўринишидаги қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқларни ҳисобдан чиқариш тартибини такомиллаштириш бўйича таклиф¹

№	Операция мазмуни	Амалдаги тартиб			Таклиф этилаётган тартиб		
		Сумма	Дебет	Кредит	Сумма	Дебет	Кредит
1-ҳолат							
1.	Номинал қиймати 5000 сўм бўлган 1000 дона облигация харид қилинди	5000000	0610	5110	5000000	0610	5110
2.	Облигацияни харид қилиш учун брокерлар ва банк хизмати учун тўлов	400000	0610	5110	400000	0610	5110
3.	Облигациянинг сўндириш муддати 4 йил бўлиб, харид ва номинал қиймат ўртасидаги салбий фарқнинг ҳисобдан чиқарилиши, йиллик асосда $400000/4=100000$	100000	9690	0610	400000 100000 100000/12 =8333	0970 3230 9690	0610 0970 3230
2-ҳолат							
1.	Номинал қиймати 5000 сўм бўлган 1000 дона облигация 4600 сўмдан	4600000	0610	5110	4500000	0610	5110

¹ Манба маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

	харид қилинди							
2.	Облигациянинг сўндириш муддати 4 йил бўлиб, харид ва номинал қиймат ўртасидаги ижобий фарқ (1000*5000-1000*4600)=400000 сўмга тенг. Ушбу фарқ суммасининг хисобдан чиқарилиши, йиллик асосда 400000/4=100000	100000	0610	9590	400000 100000 100000/12 =8333	0610 7210 6210	7210 6210 9590	

Хулоса. Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклиф этилаётган тартибни қўллаш учун хўжалик юритувчи субъектлар ишчи счёtlар режасидаги айrim счёtlарнинг

номланишини ўзгартириш зарур, деган илмий хулоса шакллантирилди. Шундан келиб чиқиб, куйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

Қимматли қоғозларни харид ва номинал қиймати ўртасидаги тафовутларни акс эттириш бўйича амалдаги счёtlарга таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

21-сон БҲМС бўйича		Таклиф этилаётган вариант		
Счёт рақами	Счёtnинг номланиши	Счёт рақами	Счёtnинг номланиши	
0960	Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечикирилган харажатлар	0960	Қимматли қоғозларни харид ва номинал қийматлари ўртасидаги салбий фарқлар бўйича узоқ муддатли кечикирилган харажатлар	
3220	Дисконт (чегирма)лар бўйича кечикирилган харажатлар	3220	Қимматли қоғозларни харид ва номинал қийматлари ўртасидаги салбий фарқлар бўйича кечикирилган харажатлар	
7210	Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечикирилган даромадлар	7210	Қимматли қоғозларни харид ва номинал қийматлари ўртасидаги ижобий фарқлар бўйича узоқ муддатли кечикирилган даромадлар	
6210	Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечикирилган даромадлар	6210	Қимматли қоғозларни харид ва номинал қийматлари ўртасидаги ижобий фарқлар бўйича кечикирилган даромадлар	



Биз томонимиздан таклиф этилаётган тартиб ва счёtlарнинг номланиши бўйича таклифларнинг афзаллиги қуидагиларда намоён бўлади:

- Бухгалтерия ҳисобининг даромадалар ва харажатлар мослиги ҳамда ҳаққонийлик тамойилларига тўлиқ амал қилиш таъминланади.

- Ахборот фойдаланувчиilar томонидан корхона активлари

ликвидлигини тўғри баҳо баҳолашда ишончли ва аниқ ахборотлар шакллантирилади.

- Счёtlарнинг номланиши ўзгартириш асосида уларнинг ахборот йиғувчанлик кўлами кенгаяди ҳамда қимматли қоғозлар бўйича харид ва номинал қийматлар ўртасидаги тафовутларни тўғри акс эттириш таъминланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://researchfdi.com/foreign-direct-investment-2021-global/>
2. <https://stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти
3. Исманов И.Н. Узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисобининг методологик асослари.-Т.: “Фан”, 2006, 120 б.
4. Калонов М.Б., Ортиқов Х.А., Эргашев Ш.Т. Автомобиль транспорти корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича услубий қўлланмалар: I. Асосий воситалар ҳисоби. II. Ижара (лизинг) операцияларининг ҳисоби. III. Молиявий инвестициялар ҳисоби.-Т.: “Adabiyot uchqunlari”, 2017.—442 б.
5. Молиявий ва бошқарув ҳисоби/Ўқув қўлланма. Ҳаммуаллиф- Т: «IQTISOD-MOLIYA», 2007 - 467 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. 1999 йил 5 феврал. 54-сон.